

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

КИМ ТАТЬЯНА СЕРГЕЕВНА

**КОРЕЙС ТИЛИДА ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК СЕМАНТИКАСИНИНГ
ИФОДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

УДК: 811.531

ББК: 81.2(5)

К-40

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Philological Sciences**

Ким Татьяна Сергеевна

Корейс тилида қарама-қаршилик семантикасининг ифодаланиш
усуллари 3

Ким Татьяна Сергеевна

Семантика противоположности и способы её передачи
в корейском языке 21

Kim Tatyana

The semantics of opposites and the ways of its transmission
in the Korean language 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.21.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

КИМ ТАТЬЯНА СЕРГЕЕВНА

**КОРЕЙС ТИЛИДА ҚАРАМА-ҚАРШИЛИК СЕМАНТИКАСИНИНГ
ИФОДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD.659 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Содиқов Қосимжон Позилович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дадабоев Хамидулла Арипович
филология фанлари доктори, профессор

Ким Ольга Анатольевна
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25- уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25- уй. Тел.: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

А. Куранбеков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида сўнги йилларда илмий тадқиқотларда бир йўналишнинг бошқалари билан ўзаро интеграциялашуви рўй бермоқда. Кишилик жамиятида тилдан фойдаланиш интеллектуал салоҳият ва илғор технологиялар тараққиётининг ривожига бевосита таъсир кўрсатиш босқичига қадам қўйди. Тилнинг роли ва таъсири тафаккур ҳамда нутқнинг шаклланишида муҳим функционал тартибга солувчи (регулятор) сифатида баҳоланади.

Тилшуносликда зид маънони билдирувчи матн компонентларига бағишланган ишларнинг долзарблиги ошиб бормоқда ва ушбу компонентларни таҳлил қилишнинг янги усуллари излаб топиш зарурати туғилмоқда. Корейс тилшунослигида ҳам 상대어 [сандэо] оппозитив бирликлар тадқиқига ёндашув тил ҳодисаси объектив манзарасини тадқиқ этиш бугунги кундаги асосий масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги корейс тили лексикаси асосида оппозитив семантик муносабатлар устида олиб борилган илмий тадқиқотлар принциплал ўзгачаликларга эга бўлиб, қарама-қарши маъноли бирликлар муаммосини тилшунослик билимларини истефода этган ҳолда комплекс таҳлил йўли билан, мамлакатимиз ва чет эллардаги корейс олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларидан фойдаланган ҳолда уларни семантик, лингвостилистик ва интенд таҳлил қилишни талаб этади.

Корея ва Ўзбекистон республикалари орасидаги ҳамкорлик ва шерикчилик муносабатларининг тез суръатларда ривожланиб бораётгани иқтисодий-сиёсий, маданий ва ижтимоий соҳалардаги ўзаро муносабатлар тараққиётидагина эмас, таълим ва илм-фан соҳалари ривожига ҳам сезиларли ўзгаришлар юз бераётганини ҳам кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Корея Республикасига расмий ташрифи ва ушбу ташриф сирасида илм-фан ва таълим соҳасида ҳам қўшма лойиҳаларнинг кенгайтирилишини таъминловчи бир қатор ҳужжатларнинг имзоланганлиги шундан далолат беради¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелидаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар Академиясининг фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июнидаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳатларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ва Ўзбекистон

¹ Узбекистан–Южная Корея: Новый этап отношений стратегического сотрудничества / Народное слово, 24 ноября 2017 года. – № 237 (6931).

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304- сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корейс тилида қарама-қаршилик маъноси муаммоси кенг доирадаги турли ечимлар, шу жумладан, қарама-қаршилик семантикаси ва уни ифодалаш усуллари турлича ёндашувларда намоён бўлади (Им Чи Рён (임지룡), Хам Ге Им (함계임), Пак Ён Сун (박영순) ва б.)². Айрим тадқиқотларда қарама-қаршилик маъносини ифодалашнинг тил воситалари ечимини топишда салбий ва ижобий маъноларнинг таққосланиши мумкинлиги ҳам ҳисобга олинади (Чин Со (진소), М.М.Халиков)³. Шу билан бир қаторда, лексик ўзига хосликни ўрганишга бўлган бундай ёндашув етарли даражада ёритилмаган бўлиб, бу «структур тилшуносликдан когнитив тилшуносликка ўтишнинг умумий тенденциялари» билан боғлиқ (В.П.Воробьев, , В.С.Хан ва б.)⁴. Тилда қарама-қарши муносабатларнинг юзага чиқиши фақат лексик антонимлик (Ким Кван Хе (김광해), Ю.О.Новикова, А.К.Жумабекова, Г.Р. Муташева, И.У.Мамасолиев ва б.)⁵ ходисаси билан узвий боғлиқдир. Айрим лексемаларнинг қарама-қаршилик маънолари билан боғлиқ муаммолар (Хам Ге Им, Чин Со), корейс тили лисоний манзарасида ахлоқий меъёрларнинг концептуаллаштирилиши, тил вазияти бир қанча ишларда кўриб чиқилган (Л.А.Пан, Дё Юн Хи ва б.)⁶.

² 임지룡. 국어의미론. – 서울: 탑출판사, 2005 (Им Чи Рён. Семантика корейского языка. – Сеул: Тхап, 2005); 함계임. 한국어 대립 연결어에 관한 인지 언어학적 연구. – 서울: 한국외국어대학교, 2013 (Хам Ге Им. Когнитивные исследования оппозитивных соединительных окончаний в корейском языке. – Сеул: Университет иностранных языков Хангук, 2013. – 170 р.); 박영순. 한국어 문장 의미론. – 서울: 고려대학교출판부, 2001. (Пак Ён Сун. Семантика предложения в корейском языке. – Сеул: Университет Корё, 2001).

³ 진소. 한국어반대어연구: 부정접두사 반의어를 중심으로. – 대구: 영남대학교, 2005. (Чин Со. Исследования антонимов в корейском языке. – Тэгу, Университет Ённам, 2005); Халиков М.М. Лексико-семантическая характеристика антонимических контекстов. – Л., 1983.

⁴ Воробьев В.П. Лингвокультурология (теория и методы). – М.: РУДН, 1997. – С.6.; Хан В.С. Корейская философия. – Ташкент, 2004.

⁵ Ким Кван Хе. Словарь синонимов и антонимов корейского языка. – Сеул: Тхап, 2009.; Новикова Ю.О. Речевая антонимия как отражение обыденной картины мира (на материале американского варианта английского языка). – Санкт-Петербург, 2010.; Жумабекова А.К. Оппозитивный анализ антонимических единиц казахского и русского языков. – Алматы: КазГНУ им. Аль-Фараби, 1995.; Муташева Г.Р. Антонимы и антонимические отношения в лексике и фразеологии кумыкского и русского языков. – Махачкала: ДГПУ, 2010.; Мамасолиев И.У. Антонимические группировки в русском и узбекском языках. – Ташкент, 2011.

⁶ 함계임. 대립연결어에 관한 인지언어학적 연구. – 서울: 한국외국어대학교, 2013. – 170 р.; 진소. 한국어 반대어 연구: 부정 접두사 반의어를 중심으로. – 대구: 영남대학교, 2005. – 30 р.; Пан Л.А. Концептуализация этического норматива в корейской языковой картине мира (на материале пословичных изречений с лексемой

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшинослик институти илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ «Шарқ мамлакатлари тилини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий таълимоти масалалари» мавзусидаги корейс филологияси кафедрасининг корейс тили лексикологияси, сўз ясалиши ва хорижий тиллардан фойдаланишга алоқадор илмий йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади корейс тилидаги қарама-қаршиликни ифодаловчи лексик-семантик бирликлар чегараларини белгилаш ва уларнинг корейс тилидаги ифодаланиш усулларини ҳамда қарама-қаршиликларни акс эттирувчи бирликларнинг контекстда учровчи корейс тилига хос хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лексик бирликлар антонимик мазмунини қарама-қаршилик мазмунида кўриб чиқиш (반의 [паный]) ва уларнинг лексик-семантик чегараларини аниқлаш;

парадигматика ва синтагматикада чуқур таҳлил орқали лексикадаги қарама-қаршилик даражасини аниқлаш;

корейс ёзувчилари эсселари материалида қарама-қаршилик маъносини ифодалаш усулларидан фойдаланиш даражасини асослаш;

антонимик маъноли лексик воситалар орқали қарама-қарши маъно услубий бўёқдорлигининг самарадорлик даражасини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бобчон (법정), И О Рён (이어령), Пак Хе Ран (박혜란), Хан Ён Ун (한용운) каби корейс ёзувчиларнинг эсселаридан танлаб олинган антонимик маъноли лексик ва синтактик бирликлар танлаб олинди⁷.

Тадқиқотнинг предмети корейс тилидаги қарама-қаршиликни ифодаловчи бирликлар ва улар ўртасидаги муносабатни ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёслаш, тавсифлаш, қарама-қаршилик бирликларининг таҳлилида дистрибутив методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

корейс тилида 상대어 [сандэо] гуруҳидаги қарама-қарши маъноли лексик бирликлар, яъни қарама-қаршилик маъносини 상대관계 [сандэквангйе] 대립관계 [тэрибквангйе] оппозитив муносабатларига мувофиқ сўз орқали

«пап»). – Ташкент, ТашГИВ, 2011. – 160 с.; Дё Юн Хи. Языковая ситуация корейцев Узбекистана. – Ташкент, УзГУМЯ, 2002. – 26 с.;

⁷ 법정. 한 사람은 모두를 모두는 한사람을. – 서울: 문학의 숲, 2010. – 371 p. (Бобчон. Один за всех и все за одного. – Сеул: Литературный лес, 2010. – 371 с.); 이어령. 뜻으로 읽는 한국어사전. – 서울: 문학사상, 2008. – 294 p. (И О Рён. Словарь корейского языка, читаемый по смыслу. – Сеул: Литературная мысль, 2008. – 294 с.); 박혜란. 여자와 남자. – 서울시: 웅진닷컴, 2003. – 237 p. (Пак Хе Ран. Женщина и мужчина. – Сеул: Унджинтакхом, 2003. – 237 с.); 한용운. 님의 노래, 침묵의 노래. – 서울: 해원출판사, 1985. – 238 p. (Хан Ён Ун. Песнь монаха, песнь печали. – Сеул, 1990. – 238 с.)

ифодалашнинг барча воситаларини ўз ичига оловчи бирликларни кўриб чиқишдаги янгича ёндашув асосланган;

корейс тилидаги қарама-қаршилик маъносини ифодалаш усуллари турли даврларда яшаб ижод этган корейс ёзувчиларининг эссе ва лирик асарларида антитезага асосланганлиги исботланган;

корейс тилидаги оппозитив муносабатларнинг кичик, ўрта ва катта антонимликка асосланган қарама-қарши маъно ифодаланиш усуллари исботланган;

корейс тилида антонимик маънонинг корейс ёзувчилари эсселари ва лирик асарлари асосида когнитив хусусиятлар комплекс таҳлили воситасида идрок этилишида менталитетнинг тутган ўрни аниқланган;

корейс тилида оппозитив маъно ифодаланишининг самарали усулларида бири «семантик боғлиқлик шажараси»ни тузиш йўли билан матнда қарама-қаршиликнинг ғоявий мазмунини аниқлашга нисбатан ёндашув ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

корейс ёзувчиларининг эсселарида антоним маънодаги лексик бирликлар таҳлил этилди;

қарама-қаршилик муносабатлари қадриятлари даражасини аниқлаш ва тил материалларига антонимик муносабатни шакллантириш усуллари таҳлил қилиш орқали ёритилди;

қарама-қаршилик қийматининг услубий бўёқдорлик даражаси антонимик қийматга эга бўлган лексик бирликлар, шунингдек, қаршилик антоним қийматининг таъсирланишига тегишли синтактик қурилмалар билан белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, қиёслаш, тавсифлаш, таснифлаш, таҳлиллар асосида аниқ илмий хулосалар чиқарилганлиги, қарама-қаршилик муносабатларининг корейс тилидаги акс эттирилиш хусусиятлари корейс тилининг хусусий табиатидан келиб чиқиб ёндашилганлиги билан белгиланади. Бобчон (법정), И О Рён (이어령), Пак Хе Ран (박혜란), Чон И Ду (천이두), Ким Хе Ни (김혜니), каби корейс ёзувчиларининг эсселар тўплами кўринишида тақдим этилган 120 та эссеси⁸ ва Хан Ён Ун (한용운)нинг⁹ Корея Республикасида нашр этилган (1999, 2003, 2008, 2010) лирик асарларидан олинган мисоллар таҳлили орқали таъминланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ҳозирги кунда корейс тилшунослигида долзарб бўлиб турган қарама-

⁸ 천이두. 삶과 꿈 사이에서. – 서울: 청한문화사, 1989. – 307 p. (Чон И Ду. Между жизнью и мечтой. – Сеул: Чхон Хан Мунхваса, 1989. – 307 с.); 김혜니. 중학생이 꼭 읽어야 할 수필. – 서울: 타임기획, 1999. – 363 p. (Ким Хе Ни. Эссе для обязательного чтения. – Сеул: Таимкихвек, 1999. – 363 с.)

⁹ 한용운. 님의 노래, 침묵의 노래. – 서울: 혜원출판사, 1985. – 238 p. (Хан Ён Ун. Песнь монаха, песнь печали. – Сеул, 1990. – 238 с.)

қаршиликлар семантикаси таҳлили корейс тили лексикасидаги мавжуд илмий маълумотларни кенгайтиради ва тўлдиради. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, қиёслаш, тавсифлаш, таснифлаш, таҳлиллар натижасида олинган аниқ илмий хулосалар корейс тилшунослигида қарама-қаршиликлар имкониятларини янада чуқурроқ ўрганиш учун муҳим илмий-назарий маълумотлар беради. Шунингдек, тадқиқот лексикология, корейс тили стилистикаси, когнитив тилшунослик каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг илмий жиҳатдан мукаммаллашувига ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот материаллари «Таржима назарияси ва амалиёти» ва «Корейс тилидаги махсус адабиёт таҳлили» ва бошқа бир қатор махсус фанлардан амалий ишланмаларни тузишда қўшимча манбалар сифатида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Корейс тилида қарама-қаршилик семантикасининг ифодаланишидан олинган натижалар асосида:

қарама-қарши маъноли лексик бирликлар таҳлилидан олинган натижалардан Давлат тест маркази томонидан тузилган тест топшириқларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, 2018 йил 16 июндаги 64- сон маълумотнома). Натижаларнинг қўлланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази дастури бўйича корейс тили билим даражасини аниқлаш учун фойдаланилган корейс тилида ўқиш материали сифатида хизмат қилган;

антонимик маъно зидлигини таҳлил қилиш ва тавсифлаш бўйича олинган хулоса ва натижалардан маҳаллий ҳамда хорижий компания ва ташкилотлар учун мўлжалланган «Деловой корейский язык» ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган («Ўзбекистон-Корея» Дўстлик жамияти, 2018 йил 16 майдаги 6А-18- сон маълумотнома). Қўлланилган маълумотлар дарсликнинг назарий қисмини мустаҳкамлашда ва тўлдиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

корейс тилидаги оппозитив муносабатларнинг кичик, ўрта ва катта антонимликка асосланган қарама-қарши маъно ифодаланиш усуллари бўйича академик лицей ва коллежлар учун «Корейс тили» ўқув қўлланмасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, 2017 йил 30 ноябрдаги 877- сон қарори). Натижада В1 даражасига эга бўлмокчи бўлган корейс тили ўқувчиларига асосий қўлланма вазифасини ўтаган;

Корейс тилидаги зид маънони ифодаловчи лексик парадигманинг маънони фарқлашдаги функциясида олинган хулосалардан Ўзбекистон-Корея маданият марказлари Ассоциациясида ўтказилган корейс тили назарий курсларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Корея маданият марказлари Ассоциацияси, 2018 йил 13 июлидаги 145-рақамли маълумотнома). Натижаларнинг қўлланиши тингловчиларнинг янги сўзларни ўрганиши учун ижобий таъсир кўрсатган;

контекстдаги қарама-қаршиликлар таҳлилидан олинган хулосалар компания ҳужжатлари таржималаридаги лексик ва маънов хусусиятларини очиб беришда фойдаланилган (UzBestTourCo., Ltd, 2018 йил 23 июлдаги 078-сон маълумотнома). Натижаларнинг қўлланиши таржима қилинаётган матнларнинг тўғри ва аниқ чиқишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқоти натижалари 7 та илмий-амалий анжуманда, шулардан, 3 таси халқаро ва 4 таси республика миқёсида. Хусусан, 10-Корея таълими бўйича халқаро илмий конференция (СААКС), (Қозоғистон Республикаси, Алмата, 2010), «Тил ва хорижий иқтисодий алоқалар учун тилларни ўқитиш ва таржима қилиш масалалари» мавзусидаги йиллик илмий-амалий конференция (Ўзбекистон, Тошкент, ЖИДУ, 2017) ва бошқа илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 141 саҳифадан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, эксперимент натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Корейс тилидаги қарама-қаршилик маъносини тадқиқ этишнинг назарий асослари» деб номланган биринчи бобда (상대관계 [сандэквангйе] ва 대립관계 [тэрибквангйе]) оппозитив (зидлик) муносабатларининг назарий асослари кўриб чиқилади. Корейс олимларининг илмий изланишларида қарама-қаршилик семантик муносабатлари талқини бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бу эса антонимик маъноли бирликлар муаммосини янги ракурсда кўриб чиқиш имкониятини беради. Корейс тилидаги 상대어 [сандэо] оппозитив бирликларни ўрганишга бўлган ёндашув тил ҳодисасининг объектив манзараси сифатида қарама-қаршилик маъносининг тўлиқ очиб берилмаганлиги билан белгиланади¹⁰. Тил ҳодисасининг объективлиги антонимик бирликларни ҳозирги замон тилшунослик назарияларида мавжуд маълумотлар ҳисобга олинган ҳолда комплекс таҳлил қилинишини талаб этади. Маълумки,

¹⁰ 서기선. 상대어 지도 방법에 대한 연구. – 부산:부산대학교, 2007. 93 p. (Со Ги Сон. Исследование способов обучения единицам с антонимичным значением. – Пусан, Пусанский национальный университет, 2007. – 93 с.); 박송규. Study of Vocabulary Instruction Using Relative Words. – 논산: 건양대학교교육대학원, 2004. – 65 p. (Пак Сон Гю. Изучение словарного запаса с использованием конверсивов. – Нонсан, Университет Конян, 2004. – 65 с.).

антонимик маънони ифодалаш усулларидан бири лексик парадигматикадир. Ҳозирги корейс тилида антонимик маънолар ёки қарама-қарши маъноли лексик бирликларга бевосита алоқадор бўлган қуйидаги тўрт гуруҳ¹¹ алоҳида қайд этилади, булар:

- биринчи гуруҳ 반대어 [пандео] – қарама-қарши маънога эга бўлган сўзлар. Ушбу гуруҳга, маъносига кўра тўғридан-тўғри қарама-қаршилиқни ифодаловчи сўзлар киритилади¹²;

- иккинчи гуруҳ 대립어 [терибо] – контрастловчи маъноли сўзлар¹³;

- учинчи гуруҳ 상대어 [сандео] – нисбий оппозитив муносабатга эга бўлган сўзлар¹⁴;

- тўртинчи гуруҳ 반의어 [панийо] – қарама-қарши маъноли сўзлар¹⁵ бўлиб, булар мантиқий фикрлаш дихотомиясига асосланган қарама-қарши маъноли лексик жуфтликлар ҳисобланади. Ушбу тадқиқотда биз тил материални эссе ва лирик асарлар асосида кўриб чиқаётиб, юқоридаги таснифга асосланамиз.

Тилшунослик амалиётида антонимик муносабатларни амалга оширишнинг контекстуал хусусиятлари устида кузатиш олиб борилганда, жумладан, ушбу маъноларнинг лексик жиҳатдан бирика олиш хусусиятини кузатиш чоғида қўлланадиган контекстологик таҳлил муҳим ўрин эгаллайди. Лексик жуфтликлар ҳолатида антонимик маънолар билан боғлана олиш хусусияти 상대어 [сандэо] бир қанча ҳолатда алоҳида юзага чиқади. Бунда антонимик маъноли бирликларнинг бир хил бўлмаган лексик бирикув имконияти ҳам туғилиши мумкин. Со Ги Сон (서기선) нинг таъкидлашича, «... қарама-қарши тил бирликларини фақат тўла лексик боғлана олиш хусусияти билан чекланиб қолмай, кенг маънода кўриб чиқиш лозим»¹⁶. Лекин айрим тадқиқотларда муаммога шундай қарашлар ҳам мавжудки, уларда «антонимларнинг лексик маъносидаги умумийлик ва фарқнинг бир-бири билан ўрин алмашинуви, биринчидан, антонимларнинг доим ўша бир хил сўзлар билан қўшила олишига ва улардан ҳар бирининг фақат унга хос бўлган сўзлар билан қўшила олишига олиб келади»¹⁷. Антонимик маънога эга бўлган тил бирликларини тадқиқ этишда қарама-қарши маъноларнинг таҳлили жараёнида менталитетнинг аҳамияти юқори эканлигини ҳам қайд этиш ўринли. Масалан, Юн И Хим (윤이흠) нинг таъкидлашича, «...корейсларнинг маданий идрок этиши асосан,

¹¹ 최호정. 한국어 반의어교육방법 연구. – 부산: 부산대학교, 2013. – P. 6-7. (Чхве Хо Чон. Исследование по обучению антонимам корейского языка. – Пусан, Пусанский национальный университет, 2013. – С. 6-7.).

¹² 남기심. 반대어고. 국어학제 2 집, 국어학회. – 서울, 1976. – P. 133-139. (Нам Ги Сим. Исследование антонимов // Материалы конференции по корейскому языку. Изучение корейского языка 2. – Сеул, 1974. – С. 133-139).

¹³ 임지룡. 국어 의미론. – 서울: 탑출판사, 2005. – P. 156. (Им Чи Рён. Семантика корейского языка. – Сеул: Тхап, 2005).

¹⁴ 이승명. 국어 상대어론. 어문론총 8 권, 한국문학언어학회. – 서울, 1973. – P. 87-93. (И Сы Мён. Теория сандэо – единиц с антонимичным значением // Материалы конференции КСИ. Корейское общество литературы и лингвистики Кёнбук. 8. – Сеул, 1973. – С. 87-93.).

¹⁵ Сим Чэ Ги. Словарь антонимов корейского языка. – Сеул: Сеульский государственный университет, 2010. – С. 167.

¹⁶ 서기선. 상대어 지도 방법에 대한 연구. – 부산: 부산대학교, 2007. – P. 84-86. (Со Ги Сон. Исследование способов обучения единиц с антонимичным значением. – Пусан, Пусанский национальный университет, 2007. – 93 с.).

¹⁷ Введенская Л.А. Стилистические фигуры, основанные на антонимах // Ученые записки Курского и Белгородского пед. ин-тов. – Курск, 1966. – С. 128-135.

бир-бирига марҳамат кўрсатиш, кўнгилчанлик асосига қурилган. Корейслар кундалик ҳаётда қатъий иерархик тенгликка даъво қилмайди, жамиятдаги ҳар қандай тўсиққа мослашиш, ўзаро муносабатларни уйғунлаштиришга бор кучи билан интилади»¹⁸.

«Корейс тилидаги антонимик маъно ифодаланишининг семантик-лексик усули» деб номланган иккинчи бобда лексик жуфтликларда ифодаланган антонимик маъноли бирликлар таҳлил қилинади.

Корейс тилида антонимия ҳодисасининг ўрганилиши семантик маъно муносабатларини ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ. Маълумки, антонимия ҳодисаси лексикада маъно жиҳатдан қарама-қарши муносабатда бўлган сўзларни ўз ичига олади: 크다 [кхыда] – *катта* – 작다 [чактта] – *кичик*; 착하다 [чакхада] – *яхши (меҳрибон)* – 악하다 [акхада] – *ёмон (ёвуз)*. Д.Н.Шмелевнинг фикрича «...антонимлар ўзининг умумий ва туб маъноси учун муҳим бўлган семантик белгиларига кўра қарама-қарши қўйилади ва тегишли лексик-семантик парадигманинг энг чекка нуқтасида туради»¹⁹.

Тилда антонимларнинг мавжуд бўлиши борлиқни идрок этишимиз билан боғлиқ, шунинг учун ҳам контраст муносабатни ифодаловчи сўзлар, улар ифодаладиган тушунчалар каби, бир-бири билан чамбарчасдир. Масалан, 친절하다 [чинджольхада] – *хушмуомала, хайрихоҳ* сўзи 불친절하다 [пульчинджольхада] – *душманлик (ёмонликни раво кўрувчи)* сўзи билан, 멀다 [мольта] – *узоқ* сўзи 가깝다 [каккапта] – *яқин* сўзи билан киёсланади.

Англашиладики, сўзнинг у ёки бу маънони ифодалаши бир хил эмас²⁰, яъни объектив борлиқнинг маълум бир категорияга тегишли бўлган предмет ва ҳодисанинг номлари бир-бирига «қарама-қарши» қўйилади. Кўпинча антонимлар бир-бирини ўзаро инкор этиб қолмай, аксинча, баъзида бир-бирини тақазо ҳам қилади²¹. Бинобарин, бу ўринда Ю.О.Новикованинг фикрига қўшилиш керак. Олиманинг фикрига кўра, «антонимик муносабатлар борасида олиб борилган тадқиқотлар сирасида тўпланган бой тажрибаларга қарамай, антонимия ҳодисаси талқини бўйича тилшунослар орасида бир қатор тортишувларга сабаб бўлувчи масалалар ҳам бор»²². Бошқа тиллар сингари, корейс тилида ҳам антонимик муносабатларни аниқлаш мезонларининг антонимик контекстларда мунтазам учраб туриши ва бир хил лексик бирикувнинг ажратилиши бу масалада аниқлик киритилишини талаб қилади²³.

¹⁸ 윤이흠. 한국인의 종교관. 한국정신의 맥락과내용. – 서울, 2000. – P.5. (Юн И Хым. Система религии корейцев. Контекст и содержание корейского духа. – Сеул: Сеульский национальный университет, 2000. – С. 5.).

¹⁹ Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – М.: Стереотип, 2018. – С.145.

²⁰ Кенжаева Д.М. Семантико-словообразовательный анализ наречий немецкого и таджикского языков. – Душанбе: ТНУ, 2011. – 150 с.

²¹ Кузнец М.Д., Скребнев Ю.М. Стилистика английского языка. – М.: Астрель, 2000.

²² Новикова Ю.О. Речевая антонимия как отражение обыденной картины мира (на материале американского варианта английского языка). – Санкт-Петербург, 2010. – С.3.

²³ Введенская Л.А. Проблемы лексической антонимии и принципы составления словаря антонимов. – Ростов на Дону: РГУ, 1973. – С. 10-11.

Корейс тилида антонимликни белгилашда Е.А.Миллернинг ²⁴ қарашларига суяниш мумкин, масалан:

1) Қайсидир маънода айнан ўхшашликни назарда тутувчи қарама-қаршилик маъносининг ифодаланиши сифат белгиларини англатувчи **넓다 – 좁다** [нольтта – чальтта] – *кенг – тор* сифатларининг лексик жуфтликларини кўзда тутуди. Ушбу ҳолатда қарама-қаршилик А-А контрар инкор воситасида ифодаланган: «ҳажми, катта-кичиклиги, ўлчамига кўра аҳамиятли/аҳамиятсиз»; тенглик А=В: иккала антоним ҳам катталиқ, ўлчамни билдиради);

2) Типик синтактик конструкцияларда ўзаро қарама-қарши қўйилган ҳолда мунтазам қўллаш, масалан, **미워하고 사랑하는 마음 멈춘다면** [мивохаго саранханын маым момчудамён] – *Агар нафратланувчи ва севгучи юраклар тўхтатаб қолгудек бўлса* гапини олайлик. Кўриб чиқиладиган **미워하고 사랑하는 마음** [мивохаго саранханын маым] конструкцияси «ҳам А, ҳам В» формуласига эга; яъни предмет бир вақтнинг ўзида икки қарама-қарши вазифани бажаради ёки **이 비가 우리의 법회에는 방해가 될지 모르지만 자연의 조화를 위해서는 다행이라는 생각이 듭니다**²⁵ [И пи-га ури-ый побхвеенын панъхэ-га твельджи морыджиман чаён-и чохва-рыль вихэсо-нын тахэнъиранын сенгаг-и тымнида] – *Бу ёмғир, эҳтимол, бизнинг тартибимизга халақит берар, лекин табиатда уйғунлик бўлиши учун, ўйлайманки, бу ёмғир – бахт.* Келтирилган конструкция «Х - А эмас, аксинча, В» формуласига эга.

3) Бир хил соҳадаги сўзларнинг лексик жиҳатдан бир-бирига боғланиши: **새옷 [се от] – янги кийим – 헌옷 [хон от] – эски кийим, 돈 벌다 [тон польда] – пул топмоқ – 돈 쓰다 [тон ссыда] – пул сарфламоқ;**

4) Лексик майдоннинг юзага келиш ҳолати, яъни лексик майдон ²⁶ – ташқи кўриниш: **예쁘다 [йеппыда] – чиройли** (корейс тилида, хотин киши ҳақида) – **밉다 [миптта] – хунук;**

5) Сўз яшаш уяларини ҳосил қилиш хусусияти: **즐겁다 [чыльгоптта] – хурсанд бўлиш – 슬프다 [сылпхыда] – гамгин бўлиш, 즐겁게 [чыльгопкке] – шодон – 슬프게 [сылпхыге] – гамгин; 즐거움 [чыльгоум] – хурсандчилик ↔ 슬픔 [сылпхым] – гам ва б.**

Бироқ антонимикликни белгилашнинг специфик мезонларидан бири бир пайтнинг ўзида муайян маънода тенгликни тақозо қилувчи қарама-қаршилик маъносининг ифодаланиши ҳисобланади, қолган мезонлар бошқа сўз гуруҳларига тегишлидир. Масалан, шунга ўхшаш синтактик конструкцияларда антонимларгина эмас, синонимлар ҳам қарама-қарши қўйилиши мумкин. Масалан: **집이 아니고 택이다** [чиби аниго тэгида]. Қиёсланг: «*Шунчаки уй эмас, балки «обрули кишиларнинг уйи»*, шунга ўхшаш қарама-қарши позицияларда «А

²⁴ Миллер Е.Н. Природа лексической и фразеологической антонимии. – Саратов: СГУ, 1990. – С. 39-40.

²⁵ 법정스님. 범문집 2. 한사람은 모두를 모두는 한사람을. – 서울: 문학의 숲, 2010. – Р. 12. (Бобчон. Сборник канонв-2. Один за всех и все за одного. – Сеул: Литературный лес, 2010. – С. 12.)

²⁶ 서우석. 시와 산문의 의미장. – 서울: 서울대학교, 2011. – 172 p. (Со У Сок. Семантическое поле стихотворения и прозы. – Сеул: Сеульский национальный университет. – 172с.)

эмас, В» конструкциясидаги А позицияда турган сўз дискрет бўлмаган фаол маънога эга²⁷.

Корейс тилшуноси Им Чи Рён (임지룡) антонимларни куйидаги турларга ажратган:

1. 상보 대립어 [санбо тэрибо] комплементар: 남성 – 여성 [намсон – ёсон] эркак – аёл, 삶 – 죽음 [сам – чугым] ҳаёт – ўлим.

2. 반의 대립어 [паный тэрибо] контрар (길다 – 짧다 [кильда – ччальта] узун – қисқа, 높다 – 낮다 [ноптта – натта] баланд – паст),

3. 정도 상보 대립어 [чондо тэрибо] градуал: 완전하다–불완전하다 [ванджонхада – пульванджонхада] тугалланган – тугалланмаган, 정확하다:부정확하다 [чонхвакхада–пучонхвакхада] аниқ – ноаниқ.

4. 방향 대립어로 [панхян тэрибо] векторли: 오르다–내리다 [орыда–нэрида] (юқори) чиқмоқ – (пастга) тушмоқ,

들어가다 – 나오다 [тырокада – наода] кирмоқ – чиқмоқ. Шунга ўхшаш тасниф бошқа олимлар томонидан ҳам келтирилади²⁸.

Иккинчи тасниф Хан Чон Иль томонидан таклиф этилган. Унингча:

1. 이원 대립 관계 икки қутбли қарама-қаршилик муносабатлари:

유 – 무 [ю – му] бор – йўқ (мавжуд эмас), 생 – 사 [сэн – са] ҳаёт ва ўлим.

2. 등급 대립 관계 даражали қарама-қаршилик муносабатлари:

길다– 짧다 [кильда – ччальпта] узун – қисқа, 멀다 – 가깝다 [мольда – каккаптга] узоқ – яқин.

3. 역 대립 관계 ролли қарама-қаршилик муносабатлари:

스승 – 제자 [сысын – чеджа] устоз – ўқувчи, 부모 – 자식 [пумо – часик] ота-оналар ва болалар²⁹.

Антонимларнинг лексик жуфтлиги сирасида кўп маъноли сўзлар семантикасининг антонимик маъноли тил бирликларини шакллантирувчи вариантлик мавжуд. Бунга Чу Ен Вей (추엔웨이)³⁰ қуйидаги мисолларни келтиради: 뛰다 – 걷다, 내리다, 떨어지다 [твида – котда], [нэрида, тороджида] – 사крамоқ – яёв юрмоқ, тушмоқ, йиқилмоқ, тўғри маънода у тезда сакради – у

²⁷ Стернин И.А., Саломатина М.С. Семантический анализ слова в контексте. – Воронеж: Истоки, 2011. – С. 94.

²⁸ Л.А. Новиков қарама-қаршиликнинг тўрт гуруҳини фарқлаган: контрар, векторли, комплементар ва конверсив. Бироқ, корейс тилида қарама-қаршилик ўзаро антонимик жифтликларга кўра фарқланади. Масалан, мантикий жиҳатдан фарқланувчи (яъни, ўртача даражадаги) антонимлар, контрар қарама-қаршиликни билдирувчи (ёш – қари, катта – кичик сингари сўзлар); белги-ходисанинг қарама-қаршилигини, белгининг вектор зиддиятини англатувчи (кирмоқ – чиқмоқ, исимоқ – совимоқ сингари) антонимлар, комплементар зиддиятни англатувчи (уйланган – бўйдоқ, чин – ёлгон) антонимлар, сўз юритилаётган кимса, нарса ва ходисани турли нуқтаи назардан фарқлаш натижасида келиб чиққан антонимлар (ютмоқ – ютқазмоқ, сотиб олмоқ – сотмоқ) сингари турларга бўлинади. См.: Новиков Л.А. Антонимия в русском языке (Семантический анализ противоположности в лексике). – М.: МГУ, 1973. – 290 с

²⁹ 나삼일. 의미관계를 이용한 어휘 교육에 관한 연구. – 아산, 선문대학교, 2008. – Р. 49-50. (На Сам Иль. Исследование по обучению лексике на основе семантических отношений. – Асан, Университет Сон Мун, 2008. – С. 49-50.)

³⁰ 추엔웨이. 반의 관계 문장실현 양상 대조 연구. – 한국어, 중어 반의관계 구문 중심로. – 서울: 경희대학교, 2013.– 62 p. (Чу Ен Вей. Сопоставительное исследование реализации антонимичных отношений в предложении. – на примере синтаксических конструкций в корейском и китайском языках. – Сеул: Университет Кёнхи, 2013. – 62 с.)

секин кетди, кўчма маънода: *Маҳсулот нархлари сакраб кетди – Маҳсулот нархлари тушиди.*

И Сок Чу (이석주) ўз илмий ишларида антонимик маъноларни қуйидаги конструкцияга асосан кўриб чиқишни таклиф этади³¹:

울다 / Йиғламоқ

웃기다 / Кулдирмоқ

웃다 / Кулмоқ

화 내다 / Жаҳли чиқмоқ

웃지 않다 / Кулмаслик

Контекстуал муаллифлик антонимик оппозициялар таҳлили сўзларни антонимлаштириш усулини қўллаш, улар атайлаб бир-бирига қарама-қарши қўйиш билан боғлиқ хулосага олиб келади. Масалан:

여름은 덥고 겨울은 춥다. 구름은 하늘에 있고 물은 병속에 있다. 이것이 있으므로 저것이 있고, 이것이 없으면 저것도 없다. 하나가 곧 모두이고 모두가 곧 하나이다³². [Ёрым-ын топкко кёур-ын чуптта. Курым-ын ханыр-е иткко мур-ын пён сог-е итда. И гос-и исымыро чогос-и икко, и гози опсымён чогот-то оптта. Хана-га кот модууго моду-га кот ханаида]

Ёз иссиқ, қиш эса совуқ. Осмонда булут, шишада эса сув. Шунинг учун у бор, агар у бўлмаса, бу ҳам бўлмайди. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун.

Ушбу парчада қўлланилган стилистик усулни антитезавий параллелизм деб аташ тўғри бўлади. Масалан, *여름과 겨울* [ёрым-ква кёуль] *ёз ва қиш* антонимлар ҳисобланади, улар антонимлар луғатида келтирилган, бироқ *булут* лексемасининг антоними йўқ, ҳолбуки у *сув* сўзига нисбатан зид муносабатли ҳолатни ифодалайди³³.

«Корейс тилида антонимик маънони ифодалашнинг семантик-интактик усули» деб номланган учинчи бобда антонимик маъноли синтактик бирликлар воситасида қарама-қарши маъноларни ифодалаш усули кўриб чиқилади. Ян Бонинг фикрича, қарама-қаршилиқ лексик ва синтактик бўлиши мумкин³⁴. Бир томондан, лексик экспликация воситалари сифатида «қарама-қаршилиқ», «контраст», «фарқ», «зиддият» сўзлари хизмат қилади, иккинчи томондан – синтактик экспликация *그러나* [кырона], – *ammo*, *하지만* [хаджиман], *그렇지만* [кыроджиман] – *қарамай*, *бироқ* *그런데* [кыронде] – *бироқ*³⁵ сингари зидлов боғловчилари билан амалга оширилади. Шунга мувофиқ, қарама-

³¹ 이석주. 반의어 의식에 관한 일조사연구. – 서울: 서울대, 1975. – P. 72. (И Сок Чу. Исследование проблем восприятия антонимов. – Сеул, Сеульский национальный университет, 1975. – С. 72.)

³² 법정. 한 사람은 모두를 모두는 한 사람을. – 서울: 문학의숲, 2010. – P. 5. (Бобчон. Сборник канонов-2. Один за всех и все за одного. – Сеул: Литературный лес, 2010. – С. 5.)

³³ Сим Чэ Ги. Словарь антонимов корейского языка. – Сеул: Сеульский государственный университет, 2010. – С. 159.

³⁴ Ян Бо. Функции антонимии в художественной и научной речи (на материале поэзии В. Я. Брюсова и научных сочинений Л. В. Щербы). – М.: Московский педагогический государственный университет, 2004. – С.13.

³⁵ Ўша манба. 13-14-б.

қаршилиқ маъносини бериш усулларидан яна бири грамматик антонимия ҳисобланади. Ушбу бобда кўриб чиқилаётган антонимик гаплар семантикаси қарама-қаршилиқ маъносининг ифодаланиши³⁶ учун тўлақонли бўлмаслиги мумкин:

А. 철수는 영희가 대학원에 가는 것을 만류했다.

[Чольсу-нын Ёнхый-га тэхаквон-е канын кос-ыль манлюхэтта]

Чольсу Ёнхини магистратурага ўқишга киришдан тўхтатиб турарди.

Б. 철수는 영희가 대학원에 가는 것을 만류하지 않았다.

[Чольсу-нын Ёнхый-га тэхавон-е канын кос-ыль манлюхаджи аннатта]

Чольсу Ёнхини магистратурага ўқишга киришдан тўхтатиб турмасди.

В. 철수는 영희에게 대학원에 가라고 권유했다.

[Чольсу-нын Ёнхый-еге тэхавон-е караго квонюхэтта]

Чольсу Ёнхига магистратурага ўқишга киришни маслаҳат берди.

Юқорида келтирилган (Б) ва (В) гаплари маъносига кўра (А) гапига қарама-қарши қўйилган. Пак Ён Суннинг фикрича, қарама-қарши ёки зид маъноли гаплар жуфтлиги антонимик гаплар сирасига киритилади. Шунингдек, диссертацияда 반의문 [паниймун] антонимик маъносининг контекстда ифодаланиши кўриб чиқилди. Г.В.Колшанскийнинг тадқиқотида контекст, ўз табиатига кўра, «хар доим фақат тизимда амалга оширилади, чунки хар қандай коммуникатив тил бирлиги ўзида лексик ва грамматик бирликларни намоён қилади»³⁷. Фикримиз тасдиғи учун И О Рённинг (이어 령) «폭포와 분수» (Шаршара ва фонтан) эссесидан бир парча келтирамиз:

동양인은 폭포를 [пхокпхо-рыль] 사랑한다. 위에서 아래로 떨어지는 그 물줄기를 사랑한다.

서구인들은 분수를 [пунсу-рыль] 사랑한다. 무엇보다도 폭포수는 자연이 만든 물줄기이며 분수는 인공적인 힘으로 만든 물줄기이다 [ингонджогин химыро мандын мульджульгида]. 그래서 폭포수는 심산유곡에 [симсанюгок-е] 들어가야 볼수있고 거꾸로 분수는 도시의 가장 변화한 곳에 [понхвахан кос-е]가야 구경할 수가 있다.

하나는 숨어 있고 [сумо итгго]하나는 걸으로 드러나 있다 [котхыро тырона итда]. 폭포수는 자연의 물요 [чаёный мурё], 분수는 도시의 물, 문명의 물인 [мунмёнъ-ый мурын]것이다.

물의 본성은 높은 데서 낮은 데로 흐르는 것이다. 하늘에서 빗방울이 대지를 향해 떨어지는 것과 같다. 아주 작은 도랑물이나 도도히 흐르는 강물이나 모든 물의 그 움직임에는 다를 것이 없다. 폭포수도 마찬가지이다. 아무리 거센 폭포라해도 높은 데에서 낮은 곳으로 흐르고 떨어지는 중력에 의순응이다.

³⁶ 박영순. 한국어 의미론. – 서울: 고려대학교 출판부, 1994. – P. 130-132. (Пак Ён Сун. Семантика корейского языка. – Сеул: Университет Корё, 1994. – С. 130-132).

³⁷ Колшанский Г.В. Контекстная семантика. – М.: Наука, 1980. – С. 15-20.

그러나 분수는 그렇지가 않다. 서구의 도시에서 볼 수 있는 분수는 대개가다 하늘을 향해 솟구치는 분수들이다. 분수는 대지의 중력을 거슬러 역류하는 물이다. 자연의 질서를 거역하고 부정하며 제 스스로의 힘으로 중력과 투쟁하는 운동이다.

물의 본성에 도전하는 물줄기이다. 높은 데서 낮은 데로 흐르는 천연의 성질, 그물의 운명에게 역하여 그것은 하늘을 향해서 주먹질을 하듯이 솟구친다³⁸.

Шарқ халқлари шаршарани яхши кўради, улар юқоридан пастга тушадиган сув оқимини яхши кўради. Ғарбликлар фавворани яхши кўради, улар ер остидан отилиб чиқиб, осмонга кўтарилаётган сув оқимини яхши кўради. Аввало, шаршара табиат яратган сув оқимидир, фаввора эса сунъий қувват билан яратилган сув оқимидир. Шунинг учун, агар узоқ тоғ жарлигига борадиган бўлсангиз, унда сиз шаршарани кўрасиз, аксинча, фавворани кўришни хоҳласангиз, шаҳар марказига боришингиз керак бўлади. Улардан бири яширин, иккинчиси эса аниқ кўринадиган ерда жойлашган. Шаршара – табиат сувидир, фаввора – шаҳар сувидир, тамаддун сувидир.

Сувнинг дастлабки хоссаси – юқоридан ерга тушишидир. Чунки сув томчилари осмондан ерга тушишидир. Сувнинг бу йўналиши ҳамма жойда: кичик ариқда ва катта дарёда. Худди шу нарса шаршара билан ҳам содир бўлади. Қанча кучли бўлмасин, у сувнинг юқоридан пастга тушишига мослашган сув оқимидир. Аммо фавворага нисбатан олганда, бундай эмас. Ғарб шаҳарларининг фаввораси осмонга кўтариладиган сув оқимидир. Ердан осмонга кўтарилган куч, табиат қонунига зиддир, сувнинг асосий хусусиятларини чақиради, сув оқимининг тақдирини қабул қилмайди ва ўзининг кимлигини кўрсатиши учун осмонга таҳдид солади.

Келтирилган парчада, аввало, контекстуал антонимлик, аниқроғи, сўзларнинг қарама-қарши қўйилиши асосида курилган мантикий муносабатга эътибор қаратамиз: 폭포 – 분수 [пхокпхо – пунсу] – фаввора ва шаршара. Бу сўзлар ушбу контекстда калит сўзлар – контекстуал антонимик маъноли сўзлар ҳисобланади. Матнда хат бошида оппозитив маънони янада кучайтириш мақсадида қўлланган 그러나 [кырона] – аммо, бироқ сўзлари чегараловчи компонент ҳисобланади.

Бир томондан, услубий контекст матннинг услубий вазифаси ва тузилиши хусусиятига боғлиқ бўлиб, улар ўз навбатида композиция ва услуб билан белгиланади. Иккинчи томондан, антонимлик ёки матн антонимияси антитезага асосланади: 그리고 보니 만남과 헤어짐이 결국은 한타령일 것이 매구태여 슬퍼하고 기뻐해야 할 까닭이 없다고 ...³⁹.

³⁸ 이어령. 폭포와 분수. 김 혜니. 중학생이 꼭 읽어야 할 수필. – 서울, 1999. – P. 203-205. (И О Рён. Водопад и фонтан. См.: Ким Хе Ни. Эссе для обязательного чтения. – Сеул: Таимкихвек, 1999. – С. 203-205.).

³⁹ 천이두. 삶과꿈 사이에서. – 서울: 청한문화사, 1989. – P. 119-120. (Чон И Ду. Между жизнью и мечтой. – Сеул: Чхон Хан Мунхваса, 1989. – С. 119-120.).

[Кырого пони маннам-ква хеоджим-и кельгуг-ын хантхарёнъиль кос-и мэкутхэё сыльпхохаго киппохэя халь ккатальг-и опттаго...]

Буларнинг барчасига қараб туриб, айтиши мумкинки, учрашув ва айрилиқлардан қувониш ва хафа бўлишига жиддий сабаб йўқ, чунки улар бутун бир нарсанинг қисми ҳисобланади.

Бундай ҳолатда матннинг калит сўзлари – 만남과 헤어짐 [маннам – ква хеоджим] учрашув ва айрилиқ, 슬퍼하다 – 기뻐하다 [сылъпхохада – киппохада] хафа бўлмоқ ва қувонмоқ антоним сўзлари лексик маркерлар сифатида намоён бўлади. Матннинг ғоявий маъноси «семантик боғлиқлик шажараси»да⁴⁰ очилади. В.Е.Черняевскаянинг фикрича, эхтимолли ёндашувлардан бири доирасида у психоллингвистик ёки кўрсаткичли мўлжалли ёндашув сифатида белгиланади, яъни адресат намоён бўлганда ва матн муаллифи учун таъсир объекти ва матнни талқин қилишнинг мустақил субъекти сифатида намоён бўлганда⁴¹.

이 우주 질서 앞에 내가 몇몇하면 됩니다. 그러면 내가 사는 이 세상이 훨씬 조용해집니다. 특히 신앙생활하는 사람이 일반인과 다른 점이 바로 그것입니다⁴².

[И уджу чильсо апх-е нэ-га ттоттотхамёон твемнида. Кыромён нэ-га санын и сесанъ-и хвольссин чоёнхеджимнида. Тыкхи синансэнхвальханын сарам-и ильбаин-ква тарын чом-и паро кыгосимнида].

Бу коинотнинг тартиб-қоидалари олдида адолатли бўлмоғим керак. Агар бунга эришолсам, мен яшайтган бу дунё анча осойишта бўлади. Эътиқодли киши билан оддий киши орасидаги фарқ шундадир.

신앙생활하는 사람 [синансэнхвальханын] – эътиқодли киши ва 일반인 [ильбаин] – оддий киши семантик оппозициялари (карама-қарши маънолар) таҳлил қилинганда шу нарса намоён бўладикки, антонимлар луғатида эътиқодли сўзи берилмаган, бироқ 1- қаторда 3- антоним ва 2- қаторда 11 антонимга эга бўлган 일반인[ильбаин] оддий киши сўзи мавжуд⁴³.

Қуйида «семантик боғлиқлик шажараси»ни кўриб чиқамиз:



⁴⁰ Апресян Ю.Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики. Просвещение. – М, 1966. – С.263.

⁴¹ Черняевская В.Е. Лингвистика текста: Поликодовость, интертекстуальность, интердискурсивность. – М.: Либроком, 2009. – С. 26–29.

⁴² 법정스님 법문집 2. 한사람은 모두를 모두는 한사람을. 17 쪽. 서울, 2010. – P 17.

⁴³ Сим Чэ Ги. Словарь антонимов корейского языка. – Сеул, Сеульский государственный университет, 2010. – С. 315.

дунё осойишта бўлади бўлади

дунё осойишта бўлмайди

신양생활하는사람

эътиқодли киши

일반인

оддий киши

Шундай қилиб, матн когезияси шартларидан бирини белгиловчи антонимик маъноли бирликлар таҳлили, ўзаро боғлиқ жумлада семантик оппозициялар (маъно қарама-қаршиликлари)нинг тутган ўрнини белгилайди. Бундан ташқари, корейс тилидаги эсселар ва лирик асарларда матн антонимик таркибини ташкил этувчи лексик ва грамматик антонимларнинг семантик муштараклигини аниқлаш ҳамда қарама-қаршилик маъносининг воқеланиш хусусиятларини таърифлашга кўмаклашади.

ХУЛОСА

Корейс тилидаги қарама-қаршиликлар семантикаси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий хулосаларга келинди:

1. Корейс тилида лингвистик ҳодиса объективлиги антонимик бирликларнинг когнитив лингвистикадаги маълумотлар ва корейс халқи менталитетининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда комплекс тадқиқ этишни тақазо этади.

2. Антонимик муносабатдаги бирликлар тадқиқида 상대어[сандэо] гуруҳини, яъни қарама-қарши муносабатларни лексик ифодалаш воситаларини ўз ичига олган қарама-қарши маънога эга бўлган бирликларни кўриб чиқиш керак бўлади.

3. Корейс тилида антонимия ёки антонимик муносабатлар ҳодисаси сўзнинг лексик маъносига берилган қўшимча тавсиф ўлароқ парадигматик муносабатларнинг самарали тури бўлиб, шунинг билан бирга уларни ифодалаш усуллари ҳам муҳим роль ўйнайди.

4. Корейс ёзувчиларининг эсселарида антонимик муносабатлар семантик тузилиши таҳлили жараёнида, антонимик муносабатлар семантик тузилиши таҳлили жараёнида Е.Н.Миллер таклиф қилган фараз антонимик маънога таъриф келтиришда ўзининг тўла тасдиғини топади, бироқ биз аниқлаган катта, ўрта ва кичик антонимия йўли билан ифодаланган антонимик маъноларни ифодалаш усулларида муайян фарқларга эга.

5. Қарама-қарши маънодаги (반의 [паний]) антонимик маъноли лексик бирликлар кўриб чиқилди ва уларнинг лексик-семантик чегаралари контекст доирасида аниқланди, хусусан, лексик ифодалаш воситалари бўлиб контекстда аниқланадиган нисбий оппозитив муносабатга эга бўлган бирликлар хизмат қилди.

6. Қарама-қарши муносабатларнинг синтактик ифодаланиши зидлов конструкциялари ёрдамида 그러나[кырона] – аммо, бироқ, 하지만 [хаджиман], 그렇지만 [кырочиман] – ҳолбуки, бироқ, 그런데 [кыронде] – қолаверса, бироқ

каби зидлов боғловчилари воситасида амалга оширилади. Бу эса қарама-қаршилик маъносининг (грамматик антонимия) ифодаланиш усулларидан бири ҳисобланади.

7. Антонимик муносабатларнинг синтактик усулда ифодаланиши семантик оппозицияда турган сўзларнинг бирлашиши турли усулларга эга. Қарама-қарши маънога эга бўлган бирликлар воситасида оппозитив муносабатдаги матннинг тузилиши қарама-қаршилик маъносини ифодалаш усулларидан ҳисобланади. Корейс тилида матн антонимиясининг бундай тарзда ифодаланиши қарама-қаршиликнинг фаол маъноларини ифодаловчи турли даражадаги бирликларнинг ўзаро семантик муносабати синтези сифатида кўриб чиқилади ва бу корейс ёзувчилари қаламига мансуб эсселарнинг тил материали асосида исботлаб берилади.

8. Корейс ёзувчиларининг эсселарида контраст, муаллиф нутқини турли тасвирий-ифодавий усуллар воситасида юзага чиқариш тамойили ўлароқ контекстдаги ғоявий йўналишни ҳисобга олганда қарама-қаршилик маъносини ифодалашнинг муҳим усули ҳисобланади. Матннинг ғоявий мазмуни «семантик боғлиқлик шажараси»да очиб берилади ва у матнни адресатга таъсир кўрсатиш мақсадида психолингвистик методлар доирасида таҳлил қилишнинг эҳтимолий усулларидан бири сифатида белгиланади.

9. Контраст маъносининг услубий бўёғи самарадорлиги даражасининг антонимик маъноли ва синтактик ифодаланган лексик бирлик воситасида аниқланиши корейс тилида қарама-қаршилик даражаси ва маъносини белгилашнинг асосий усули ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017.Fil.21.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ИНСТИТУТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ, УЗБЕКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ,
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

КИМ ТАТЬЯНА СЕРГЕЕВНА

**СЕМАНТИКА ПРОТИВОПОЛОЖНОСТИ И СПОСОБЫ
ЕЁ ПЕРЕДАЧИ В КОРЕЙСКОМ ЯЗЫКЕ**

10.00.05 - Языки и литература народов Азии и Африки

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

город Ташкент – 2018 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.4.PhD.659.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном институте востоковедения.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.tashgiv.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Садыков Косимжон Пазылович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Дадабоев Хамидулла Арипович
доктор филологических наук, профессор

Ким Ольга Анатольевна
кандидат филологических наук

Ведущая организация:

**Самаркандский государственный институт
иностранных языков**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.Fil.21.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном институте востоковедения, Узбекском государственном университете мировых языков, Национальном университете Узбекистана по адресу: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 25. Тел.: (99871) 233-45-21, факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного института востоковедения (зарегистрирована за №__). Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 25. Тел.: (99871) 233-45-21).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.

(Протокол реестра рассылки №__ от «__» _____ 2018 года.)

А.М. Маннонов

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
филол.наук, профессор

Р.А. Алимухамедов

Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
филол.наук

А. Куранбеков

Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор филол.наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мировом языкознании происходят изменения, связанные с интеграцией одних направлений с другими. Использование языка в человеческом обществе вступает в этап непосредственного влияния на развитие интеллектуального потенциала и передовых технологий. Роль и влияние языка оцениваются как важные функциональные регуляторы формирования мысли и речи.

В мировом языкознании становятся актуальными научные исследования, посвященные компонентам текстов с антонимичным значением, и стоит необходимость поиска новых способов анализа данных компонентов. В корейской лингвистической науке подход к исследованию оппозитивных единиц **상대어** [сандэо] характеризуется неполным описанием объективной картины данного языкового явления, что повлекло за собой ряд спорных и нерешенных вопросов. Научные исследования оппозитивных семантических отношений в лексическом строе современного корейского языка имеют принципиальные расхождения, поиск преодоления которых требует изучения проблемы единиц с антонимичным значением сквозь призму комплексного семантического, лингвостилистического и интенционального анализа с привлечением результатов исследований отечественных и зарубежных, в том числе и корейских ученых.

Новый этап динамичного развития сотрудничества и партнерства Республики Узбекистан и Республики Корея доказывает не только углубление взаимоотношений в экономической, политической, культурной и социально-гуманитарной сферах, но и взаимодействие в развитии образования и науки. Об этом свидетельствует официальный визит Президента Республики Узбекистан в Республику Корея, в ходе которого был подписан целый ряд документов, способствующих реализации и расширению совместных проектов в научной и образовательной деятельности¹.

Данное диссертационное исследование в определенной степени содействует реализации задач, поставленных в таких государственных документах, как Указы Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 от 7 февраля

